

МАРҒУБА АБДУЛЛАЕВА

**ТАРИХИЙ-БАДИИЙ
АСАРЛАРДА КИЧИК
ЖАНРЛАР ПОЭТИКАСИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАРҒУБА АБДУЛЛАЕВА

ТАРИХИЙ-БАДИИЙ АСАРЛАРДА
КИЧИК ЖАНРЛАР ПОЭТИКАСИ

“Nodigabegim” нашриёти
Тошкент – 2021

Қўюмов
тевнинг
айман.

сарлар
этиш,
анрлар
аққиёт
бадий
қизмат
жаҳон
оғзаки
кичик
қизими,
ладан,
иғида
биётга
унинг
оэтик
давр
қасб
иҳий-
семик
унда
и, бу
тароқ
хлик
деб
иҳий
бида
збек
каби
ишга
и қам

КБК: 83.3(5Ў36)

A 15

УЎК: 821.512.133.09

ISBN 978-9943-7188-9-0

Абдуллаева М.

Тарихий-бадий асарларда кичик жанрлар поэтикаси [Мага]:
монография / М.Абдуллаева. - Тошкент: Nodirabegim, 2021. - 172 б.

Мазкур монографияда Мирзо Улугбекнинг "Тўрт улус тарихи",
Абулғози Баходирхоннинг "Шажарайи турк", "Шажарайи тарокима"
асарларида келтирилган кичик жанрлар поэтикаси таҳлил этилган.
Афсона, ривоят, ҳикоят, паремик жанрлар ва лирик шеърларнинг
жанрий хусусиятлари, тарихий насрда тутган ўрни, гоъвий-бадий
жиҳатлари ўрганилган. Адабий жанрлардан фойдаланишда муаллиф
бадий маҳорати масаласи тадқиқ қилинган.

Монография адабиётшунос олимлар, олий ўқув юртлигининг
ўзбек филологияси талабалари, магистрантлар, докторантлар,
тадқиқотчилар ҳамда Мирзо Улугбек ва Абулғози Баходирхон
ижодига кизикувчи кенг китобхон оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Насимхон Раҳмонов – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Ҳамиджон Ҳомидий – филология фанлари доктори, профессор

Шомирза Турдимов – филология фанлари доктори, профессор

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш
факултети кенгаши (2021. 27.02. №7) томонидан нашрга тавсия
этилган.*

© М.Абдуллаева.
© "Nodirabegim" нашриёти, 2021.

*Устозларим – академик Азизхон Қаюмов
ва академик Ботурхон Валихўжаевнинг
порлоқ хотирасига бағишлайман.*

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида тарихий-насрий асарлар таркибига кирувчи кичик жанрлар поэтикасини тадқиқ этиш, афсона, ривоят, ҳикоят, мақол, нақл ва бошқа эпик жанрлар тадрижини ўрганиш ва таснифлаш, уларнинг тараққиёт босқичларини аниқлаш, тарихий-адабий асарларда бадий тафаккур такомили кэби муҳим масалаларни ечишга хизмат қилади. Бу борадаги тадқиқотлар асосан жаҳон фольклоршунослигида амалга оширилган. Дунё халқлари оғзаки ижодида миф, афсона, ривоят, ҳикоят, нақл ва бошқа кичик жанрларнинг адабий-бадий хусусиятлари, образлар тизими, анъанавий мотивлар маълум маънода ўрганилган. Жумладан, рус, қорақалпоқ, қозок, қирғиз ва тожик адабиётшунослигида тадқиқ этилган. Оғзаки ижод намуналарининг ёзма адабиётга кўчиши тарихий наср тараққиётига ҳам таъсир қилган. Шунинг учун ҳам тарихий асарларда кичик жанрларнинг поэтик такомили, муаррих – ижодкорнинг бадий маҳорати ва ўша давр адабий-эстетик тамойилларини тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Дунё адабиётшунослигида кичик эпик жанрлар тарихий-насрий асарлар мисолида тадқиқ этилмаган. Академик А.Қаюмов Навоийнинг тарихий асарларини тадқиқ қилиб, "унда тарихий афсоналар навоёна бадият билан тасвирланганини, бу асарларни тадқиқи ҳам Навоий фикр дунёси билан тўлароқ танишмоққа ҳам Навоийнинг насрнавислик ва муаррихлик фаолиятини кенгрок ўрганмоққа ёрдамлашади"¹, – деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, бугунги кунда адабий-тарихий асарларнинг бадий хусусиятларини ўрганиш, улар таркибига келган кичик жанрларни поэтик таҳлил қилиш ўзбек адабиётшунослигида афсона, ривоят, ҳикоят, нақл, хикмат каби бир қатор жанрларнинг шаклланиш тарихи ва табиатини очишга

¹ Қаюмов Азиз. Асарлар. 10 жилдлик. 4–жилд. Нодир саҳифалар. (Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида). – Тошкент: Mumtoz so'z. 2009. – Б. 47.